



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

e-mail: info@uzas.uz


2015-yil 14-avgust №33 (4328)



БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

“ОНА ЮРТИМИЗ БАХТУ ИҚБОЛИ ВА БУЮК КЕЛАЖАГИ ЙЎЛИДА ХИЗМАТ ҚИЛИШ — ЭНГ ОЛИЙ САОДАТДИР” КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ

Шу йил 12 август куни Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир” номли китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда сиёсатшунос, иқтисодчи ва ҳуқуқшунос олимлар, таълим-тарбия, адабиёт, санъат ва маданият намояндалари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, нурунийлар, маҳалла, хотин-қизлар, ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.



дан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганини тасдиқлайди.

“Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир” китобидан давлатимиз раҳбарининг сайловолди жараёнидаги йигирмадан зиёд учрашув ва анжуманларда билдирган энг муҳим, концептуал аҳамиятга молик ғоя ва фикр-мулоҳазалари ўрин олган.

Тадбир иштирокчилари бу кенг қамровли китобда мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида босиб ўтган мураккаб, айна вақтда шарафли тарихий йўли ўз ифодасини топгани, бугунги кунда ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган энг долзарб ва ўқир саволларга чуқур ва ҳаққоний жавоб берганини алоҳида таъкидладилар.


Бўлиб ўтган фикр алмашувларда ушбу тўплам билан танишган китобхон ундан ўрин олган барча фикр-мулоҳазаларни ўзаро узвий боғлаб турадиган асосий фазилат — бу Ватанимиз истиқлолига фидойилик, шу замин, шу халқнинг фаровонлиги ва бахту иқболи, ёруғ келажаги учун ҳар қандай синов ва машаққатларга тайёр туриш, шу улуг мақсадларга эришишни олий саодат, ўз ҳаётининг мазмуни деб биладиган инсон — ўзбек давлатининг асосчиси, бетақдор шахс, улкан давлат арбобининг безовта ва бедор қалби, юрак ҳарорати, кенг тафаккури, мустаҳкам ирода ва эътиқоди экани эътироф этилди.

Тақдимот маросимида Ўзбекистон Миллий университети ректори, филология фанлари доктори Ш.Сирожиiddинов, иқтисод фанлари доктори, профессор А.Содиқов, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо, “Ўзбекистон овози” газетаси бош муҳаррири С.Остонов, Тошкент давлат санъат ва маданият институти прорек-

тори, тарих фанлари доктори, профессор А.Маврулов, Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси Ж.Иноғомов, Сирдарё вилояти Сирдарё тумани “Амир Темура” фермер хўжалиги раҳбари Н.Раҳматуллаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ж.Пиязов ва бошқалар китобда давлатимиз ва жамиятимизнинг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган тараққиёт стратегияси аниқ-равшан белгилаб берилганини, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат, спорт каби ижтимоий соҳаларни барқарор ривожлантириш, юртимиздаги ҳар бир ҳудуд ва минтақа тараққиётини янги босқичга кўтаришга доир янги режа ва устувор лойиҳалар, бугунги кунда дунёда юз бераётган кескинлик ва қарама-қаршилиқлар, турли таҳдидларнинг олдини олиш, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат концепцияси тўғрисидаги қарашлар ҳар томонлама пухта асосланган ҳолда баён қилинганини қайд этиб, ўртага қўйилган ғоят муҳим ва долзарб масалаларнинг моҳияти хусусида атрофлича фикр билдирдилар.

Учрашувда халқимизнинг тафаккур хазинасини бойитишга улкан ҳисса бўлиб қўшилган бу китоб мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёنларини изчил давом эттириш, аҳоли фаровонлигини янада оширишга қаратилган кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш борасида олдимизда турган вазифаларни аниқ-равшан белгилаб бериши билан барчамиз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

Тадбирда мамлакатимизнинг истиқлол тарихини теран идрок этиш, юртдошларимизни ижтимоий фаолликка ундаш, янги-янги марралар сари руҳлантиришда беқиёс аҳамиятга эга бўлган “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир” китобини чуқур ўқиб-ўрганиш, унинг моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш бўйича амалий тақдир ва тавсиялар билдирилди.



“ЎзА” олган сурат

Носир ФОЗИЛОВ

ОНА ТАНҲО, ВАТАН ТАНҲОДИР

Адабиёт оламида ўзига хос услубда ижод қилиб, узоқ ва баракали умр кўраётган, ўз ижоди билан адабиётнинг меҳнат ва заҳмат, меҳр ва муҳаббатдан иборат эканлигини амалда исботлаб келатган фидойий ва камтарин адибимиз Носир Фозилов билан Ватан, Мустақиллик, адабиёт хусусида суҳбатлашдик...



ЎзА

САМАРҚАНД СУРУРИ

Тобора яқинлашиб келаётган улуг айём — Ватанимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрами шуқуҳи дилларимизга олам-олам завқ бағишлаш асносида янгидан-янги эзгу ғоялар ва ташаббусларга қанот бўлмоқда.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг яқинда бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида ёш ижодкорлар билан ишлашни янада такомиллаштириш мақсадида бадиий ижоднинг барча жанрлари бўйича иш олиб борувчи тўғарақларни ўзида жамлаган, кенг қамровда фаолият юритадиган “Ёшлик” клубини ташкил этишга қарор қилинган эди. Клуб режа асосида ўз фаолиятини бошлаб, кўплаб ёш ижодкорларни бирлаштирди. Бу навқирон ижодкор-

янгиланишлар жараёни билан танишдилар.

“Афросиёб” тезорар поезди икки соат ичида Самарқандга етиб келди.

— Мен мана шу вилоятда туғилиб, ўсганман. — дейди ёш шоир Шавкат Одилжон дўстларига қарата. — Аслида-ку, Ўзбекистоннинг ҳар қарич ери ижодкорни илҳомлантиради. Лекин, назаримда, Самарқанднинг “аура”си бўлакча. Бу аждодларимиздан бизга мерос бўлиб келаётган

Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан

лар турли ижодий машғулотларда устоз адиб ва шоирлардан бадиий маҳорат бобида сабоқ олмоқдалар. Табиийки, улар тадбирлар доирасида мамлакатимизнинг кўзга кўринган ижодкорлари фаолиятига бағишланган кечалар, учрашувлар, янги китобларнинг тақдимотларида ҳам фаол иштирок этишади.

Жумладан, мазкур клуб атрофида жипслаган бир гуруҳ ёшларнинг куни кеча Ёзувчилар уюшмаси томонидан ташкил этилган Самарқанд сафарини ҳам байрамолди тадбирлардан бири сифатида эътироф этиш мумкин. “Биринчи китобим” лойиҳаси доирасида илк китобларни чоп этилган ёш ижодкорлар — Ориф Мадвалиев, Динора Раҳимова, Маҳфуза Имомова, Дилдорхон Имомалиева, Шавкат Одилжон, Зебо Худойбердиева, Рустам Мирвоҳид, Дилрабо Норкуловалар 3 август куни кўҳна Самарқанднинг диққатга сазовор жойлари, амалга оширилаётган

фахр ва ифтихор ҳисси билан боғлиқ бўлса керак.

— Самарқандда буюк мутафаккир шоиримиз Алишер Навоий таълим олганлар, — дея изох берди уюшма вилоят бўлими раҳбари Ориф Ҳожиёв. — Айни пайтда замин сайқали бўлмиш кўҳна ва навқирон шаҳарни мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиликлар билан аниқ акс эттираётган кўзга деб билсангиз ҳам бўлади.

Дарҳақиқат, ёшлар шаҳар қиёфасида сўнгги пайтларда рўй берган беқиёс ўзгаришларни кўриб, Самарқандда шарқона ва замонавий шаҳарсозлик ажиб тарзда уйғунлашганига гувоҳ бўлишди. Айниқса, шаҳар марказида меъмориликдаги янги йўналишлар, хусусан, ландшафт дизайни асосида яратилган кўрам гулзор ва майсазорлар ҳаммада катта таассурот қолдирди.

Давоми иккинчи саҳифада.

ИСТИҚЛОЛ АДАБИЁТИ тарихини яратиш вазифалари

Муҳтарам Юртбошимизнинг “Истиқлол ва маънавият”, “Маънавий юксалиш йўлида”, “Юксак маънавият — енгилмас куч”, “Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор” номли асарларидаги, мумтоз ва атоқли адибларимизнинг таваллуди саналари муносабати билан қилган маърузаларидаги адабиётга доир қарашларида бадиий сўз санъатининг миллат, жамият, Ватан манфаатлари билан боғлиқ белгилаб берган концептуал йўналишлар, йўриқлар, назарий ғоялар адабиётшунослигимиз учун методологик асос вазифасини ўтамоқда. Бугунги кунда истиқлол даври адабиёти тарихини яратиш вазифаси бир қатор назарий масалаларни кун тартибига қўймоқда, уларни асосли тарзда ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Истиқлол адабиётининг ижодий методи, умумбашарий қадриятлар асосида шаклланган етакчи эстетик принциплари, реализм, романтизм, символизм, модернизм сингари ижодий оқимлар билан боғлиқлиги, бадиий-эстетик тафаккур тараққиёти, адабий турлар, уларнинг жанрлари ва шакллари, услуб тақомили каби масалалар унинг илмий тарихини яратишдаги устувор назарий муаммолардан ҳисобланади.

Давоми тўртинчи саҳифада.

ЮРТИМ

Изҳор

Мен — юракман, сен жисму жонсан,
Сен — баҳорим, бўй-ифорлиғим.
Толеймга буюк имконсан,
Сен ҳақингда қуйлар борлиғим.

Тупроғингга айлангач онам,
Унинг қадрин ортиқроқ туйдим.
Сени яхши кўргани учун
Мен боламини қаттиқроқ суйдим.

Жайрон қўзди, дедим синглимни,
Дедим: укам — тоғим, осмоним.

Ҳар гуллаган оғоч исминини
Гуллагандай — гуллар жаҳоним.

Шамол бўлиб қуйладим гоҳи,
Гоҳи ёмғирингдек тўкилдим.
Тўрт фаслингга айланиб охир,
Сен бўлиб, сен бўлиб ўқилдим.

Мен бағрингда яшадим, сен-чи,
Ҳар заррамда яшадим, Юртим.
Меҳринг билан лиммо-лим тўлган
Юрагимни янграптиб юрдим.

Ойдин НИСО

